ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARI BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR MINISTRLIGI

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ VETERINARIYA HÁM SHARWASHÍLÍQTÍ RAWAJLANDÍRÍW KOMITETI

SAMARQAND MÁMLEKETLIK VETERINARIYA MEDICINASÍ, SHARWASHÍLÍQ HÁM BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI NÓKIS FILIALÍ

VETERINARIYA MEDICINASÍ HÁM SHARWASHÍLÍQTAǴÍ AKTUAL MASHQALALAR HÁM OLARDÍŃ SHESHIMLERI

atamasındaǵı xalıq aralıq ilimiy hám ilimiy-texnikalıq konferenciya materiyalları TOPLAMÍ

15-noyabr 2024-jıl

"VETERINARIYA MEDITSINASI VA CHORVACHILIKDAGI DOLZARB MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI" mavzusidagi xalqaro ilmiy va ilmiy-texnik anjuman materiallari

TO‘PLAMI

15-noyabr 2024-yil

СБОРНИК материалов

международной научно и научно-технической конференции

"АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ И ЖИВОТНОВОДСТВА И ИХ РЕШЕНИЯ"

15 ноября, 2024 г

NÓKIS-2024

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARI BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR MINISTRLIGI

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ VETERINARIYA HÁM SHARWASHÍLÍQTÍ RAWAJLANDÍRÍW KOMITETI

SAMARQAND MÁMLEKETLIK VETERINARIYA MEDICINASÍ, SHARWASHÍLÍQ HÁM BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI NÓKIS FILIALÍ

VETERINARIYA MEDICINASÍ HÁM SHARWASHÍLÍQTAǴÍ AKTUAL MASHQALALAR HÁM OLARDÍŃ SHESHIMLERI

atamasındaǵı xalıq aralıq ilimiy hám ilimiy-texnikalıq konferenciya materiyalları TOPLAMÍ

15-noyabr 2024-jıl

"VETERINARIYA MEDITSINASI VA CHORVACHILIKDAGI DOLZARB MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI" mavzusidagi xalqaro ilmiy va ilmiy-texnik anjuman materiallari

TO‘PLAMI

15-noyabr 2024-yil

СБОРНИК материалов

международной научно и научно-технической конференции

"АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ И ЖИВОТНОВОДСТВА И ИХ РЕШЕНИЯ"

15 ноября, 2024 г

NÓKIS-2024

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА БИР ЎРКАЧЛИ (*CAMELUS DROMEDARIUS*) ТУЯЛАРНИНГ ГЕЛЬМИНТЛАРИ

Кунысов Б.М [1], Абдиева Т.Ж [2], Сабуров А.К[2].
[1]Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали, bkunisov@mail.ru;
[2]Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Республикамизда аҳоли сони ўсиб бориши натижасида, уларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ва кунлик эҳтиёжи ҳам ортиб бормоқда. Туячилик республикамизда чорвачиликнинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланиб. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик саҳоси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-120-сон Қарорида Республикамизда аҳолини юқори сифатли озиқа маҳсулотлари (сут ва сут маҳсулотлари ҳамда жун) билан ҳамда саноатни қишлоқ хўжалик хом ашёси билан таъминлашда муҳум аҳамият касб этади. Давлат Статистика қўмитасининг расмий маълумотларига кўра 2024 йил январь ойи ҳолатига Ўзбекистонда туялар бош сони 23 минг бошдан ошган. Республикамизда туялар асосан сут йўналишида парваришланиб уларнинг деярли 90% қисмини бир ўркачли туялар (*Camelus dromedarius*) қолган 10% икки ўркачли туялар (*Camelus bactrianus*) ташкил этади. Лекин, соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатадиган қатор омиллар ҳам мавжуд. Бундай омиллар қаторига қишлоқ хўжалик ҳайвонларида, шу жумладан туяларда паразитлик қилиб, улар маҳсулдорлигини камайтирадиган қатор гельминтозлар қўзғатувчиларини киритиш мумкин. Туялар гельминтозларига ўз вақтида карши профилактик чора-тадбирлар олиб борилмаса, туячилик соҳаси иқтисодий жиҳатдан катта зарар кўради. Гельминтозларнинг иқтисодий зарари қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг нобуд бўлиши, мажбурий сўйилиши, маҳсулдорлигининг пасайиши, касал ҳайвонлардан олинган маҳсулотларнинг сифатсизлиги билан баҳоланади. Гельминтозлардан келадиган иқтисодий зарар бир қатор олимларнинг тадқиқотларда кўрсатиб ўтилган.

Республикамизда мутахассис олимлар томонидан маҳсулдор ҳайвонларни, шу жумладан туялар гельминтлари тур таркибининг хилма-хиллиги, биологияси, ҳаётий жараёнлари, экологияси ва систематикасини аниқлаш, асосий гельминтозларни назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш борасида бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилган.

Шуни алохида таъкидлаш лозимки, кўп йиллар давомида олиб борган тадқиқот ишларимиз натижасига кўра ва кўплаб мутахассис олимларимиз томонидан чоп этилган ишларини таҳлил қилганимизда, туяларнинг гельминтлари Республикамизнинг турли минтақалари ва вилоятларида бир хил даражада ўрганилмаганлигини гувоҳи бўлдик.

Ишнинг мақсади. Қорақалпоғистон Республикасида бир ўркачли (*Camelus dromedarius*) туяларнинг гельминтларининг тур таркибини аниқлаш.

Материал ва методлар: тадқиқот ишлар учун материаллар Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2021-2024 йиллар давомида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус, Бўзатов, Тахтакўпир, Чимбой, Хўжайли, Шўманай ва Қонғирот туманларидаги туячилик хўжаликларида туяларда гельминтологик текширувлар ўтказилди. Академик К.И. Скрябиннинг тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган гельминтологик ёриб кўриш усули билан жами 84 бош туялар текширилди. Шунингдек тадқиқот олиб бориш давомида туялардан 220 та тезак намуналари олиниб, улар гельминтокапрологик усуллар ёрдамида Г.А. Котельников ва бошқа олимлар томонидан ишлаб чиқилган усуллар асосида ўрганилди [1,3].

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Қорақалпоғистоннинг турли ҳудудларида туялар ўртасида 2 тип, 3 синф, 9 туркум, 17 оила, 24 авлодга мансуб 31 тур гельминтлар паразитлик қилишлиги аниқланди. Туялардан йиғилган гельминтлар хорижий ва маҳаллий гельминтолог олимлар томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган систематикага асосланган ҳолда баён қилинди [2].

Тадқиқотлар натижасида туяларда паразитлик қиладиган гельминтларнинг таксономик ҳолати 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Қорақалпоғистонда туялар гельминтларининг таксономик таркиби

Синф	**Туркум**	**Оила**	**Турлар сони**
Cestoda	Cyclophyllida	Anoplocephalidae	2
		Avitellinidae	2
		Taeniidae	2
Trematoda	Fasciolida	Fasciolidae	1
	Plagiorchiidala rue	Dicrocoeliidae	1
	Schistosomatida	Schistosomatidae	1
Nematoda	Trichoctphalida	Trichocephalidae	2
	Strongylida	Chabertidae	2
		Trichostrongylidae	10
	Pseudaliida	Dictyocaulidae	1
	Oxyurida	Syphaciidae	1
	Spirurida	Gongylonematidae	1
		Habronematidae	1
		Spiruridae	1

		Dipetalonemidae	1
		Thelaziidae	1
		Onchocercidae	1
3	**9**	**17**	**31**

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Trematoda синфи 3 та турни бирлаштиради ва умумий турлар сонининг 9,6% ни, Cestoda синфи 6 та турни бирлаштиради ва умумий турлар сонининг 19,4% ни ҳамда Nematoda синфи 22 та турни бирлаштиради ва умумий турлар сонининг 71% ни ташкил этади.

Хулоса. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Қорақалпоғистон шароитида туяларда 31 тур гельминтлар паразитлик қилиши ва улар 24 та авлодга, 17 та оилага, 9 та туркумга, 3 та синфга ва 2 та типга мансублиги аниқланди. Аниқланган 31 та турдан энг кўпи, яъни 22 та тури нематодалар синфига (71%), 6 та тури цестодалар синфига (19,4) ва 3 та тури трематодалар синфига (9,6%) киради.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Скрябин К.И. Метод полных гельминтологических вскрытий позвоночных, включая человека. М.: Изд. МГУ, 1928. - 45 с.

2.Азимов Д.А., Дадаев С.Д., Акрамова Ф.Д., Сапаров К.А. Гельминты жвачных животных Узбекистана. -Ташкент: фан, 2015. - 223 с.

3.Котельников Г.А. Диагностика гельминтозов животных. -М.,1974. - 240 с.

4.Шульц Р.С., Гвоздев Е.В. Основы общей гельминтологии. –Москва: Наука, 1970. –Т.1. -491 с.

PAL HARRESHILIK XOJALIQLARINDA VARROATOZGA QARSI QOLLANILGAN PREPARATLAR NATIYJELILIGI

Sulaymanov S.B., **Sultanov B.A.**
Samarqand veterinariya medicinası, sharwashılıq hám biotexnologiyalar universiteti Nókis filialı assistent oqıtıwshıları.

Annotatsiya. Bul maqalada palshılıq xojalıqları úlken ekonomikaliq zálel jetkizetug’in, pal hárrelerinińń varroatoz keselliginińń qozǵawtıwshısı varroa destruktordin’ dúzilisi labaratoriyada kesellikti anıqlaw, emlew aldın alıw usılları boyınsha alıp barılǵan juwmaq nátiyjeleri ko’rsetilgen.

Gilt sózler. Shańaraqtıń kúshsizleniwi, er jetken harreler, qurtshalar,
aq - sút reńli, jumısshı harreler, varroa destructor, protonimfa, deytonimfa, Bisanar Amitraz-125, púrkew.

Kirisiw. Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2022 jıl 8-fevraldaǵı PQ-120 sanlı qararında “Ózbekstan Respublikasında sharwashılıq tarawı jáne onıń tarmaqların rawajlandırıw boyınsha 2022-2026 jıllarǵa arnalǵan programmasında palshılıq tarmaǵın rawajlandırıw, bul ústin turatuǵın jónelis sheńberinde palshılıq tarmaǵınıń basqarıw sisteması, monıtorıń hám statistikalıq baza duziledi hám de